## Сўранг, жавоб берамиз

**Иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътилнинг энг кўп муддати қанча? Бизнинг корхонамизда бундай таътил бир йилга берилмоқда. Шу тўғрими?**

**М.Низомов, ишчи.**

Меҳнат Кодексининг 150-моддасига асосан ходимнинг аризаси асосида унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин. Бундай таътилнинг муддати иш берувчи билан ходимнинг ўзаро келишувига биноан белгиланади. Демак, қонунда иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътилнинг муддати чегараланмаган. Бу таътил бир ой, олти ой, ҳатто бир йил ҳам бўлиши мумкин.

Айрим ҳолларда муассаса биноларини таъмирлаш ёки корхонада хом ашёнинг йўқлиги сабабли иш берувчи ходимларни мажбуран, яъни улардан ариза ёздириб олиб иш ҳақи сақланмайдиган таътилга буйруқ билан чиқаради. Бу ноқонунийдир. Чунки Меҳнат Кодексининг 177-моддасига мувофиқ иш берувчи ходимлар меҳнатини ташкил қилиши, қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шароитларини яратиб бериши шарт.

Агар иш берувчи меҳнатни ташкил қила олмаганлиги сабабли ходим бекор туриб қолса, Меҳнат Кодексининг 159-моддасига асосан унга иш берувчининг айби билан бекор туриб қолган барча вақтлари учун ўртача иш ҳақи тўланади.

* * *

**Мен яқинда II гуруҳ ногиронлигига чиқдим. Ишлашни давом эттирсам пенсиямни тўлиқ олиш ҳуқуқига эга бўламанми?**

**Ш.Наврўзова, пенсионер.**

1998 йил 28 майдаги Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорига асосан, агар Сиз II гуруҳ ногиронлигига чиқиб яна ишни давом эттирмоқчи бўлсангиз ишлаб турган вазифангиз кейинчалик соғлиғингизга салбий таъсир кўрсатмаслиги ҳақида тиббий меҳнат экспертиза комиссиясидан қўшимча тиббий маълумот олишингиз керак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 220-моддасида ногиронлар меҳнатини муҳофаза қилишнинг қўшимча чоралари белгиланган. Унга кўра ТМЭКнинг ногиронларга тўлиқсиз иш вақти режимини ўрнатиш, уларнинг вазифасини камайтириш ва меҳнатнинг бошқа шартлари ҳақидаги тавсияларини бажариш иш берувчи учун мажбурийдир. Шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронларига меҳнатга ҳақ тўлаш камайтирилмагани ҳолда иш вақтининг ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати жорий қилинган. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига асосан ишлаётган I, II гуруҳ ногиронлари ойлик иш ҳақларига нисбатан даромад солиғи тўлашда энг кам миқдордаги иш ҳақининг 4 баравaридан озод этиладилар.

*14 январь — Ватан ҳимоячилари куни*

# КЕНГ ҚАМРОВДАГИ ТАДБИРЛАР

**Узоқ тарихимизга чуқур назар ташлайдиган бўлсак, жанг майдонларида шуҳрат қозонган Амир Темур, Спитамен, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди ва бошқа кўплаб марду майдон боболаримиз она юртимизни босқинчилардан фидокорона ҳимоя қилиб, ўзларининг жанг қилиш услуби, илғор тактикаси ва стратегияси билан ҳарбий маҳорат назарияси ҳамда амалиётига улкан ҳисса қўшганлигини кўрамиз ва улар билан фахрланамиз. Уларнинг жасорати, шон-шуҳрати бизни руҳлантириб, Ватанни севишга, мардлик ва ботирликка ўргатиб келмоқда.**



Мустақил Ўзбекистонимиз Қуролли Кучларининг тарихи эса 1992 йил 14 январдан бошланади. Ўшанда мамлакатимиз ҳудудида жойлашган барча қисмлар ва бўлинмалар, ҳарбий-ўқув муассасалари ва бошқа ҳарбий тузилмаларни Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. 1993 йил 29 декабрда эса 14 январни Ватан ҳимоячилари куни сифатида нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинди. Ўшандан буён ушбу санани байрам сифатида нишонлаб келмоқдамиз.

Маълумки, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан жойларда оммавий-ватанпарварлик тадбирлари ўтказилади. Қилинадиган ишлар сирасига ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, турли тадбир ва учрашувлар ташкил этиш, ҳарбий қисмларда аскарлар билан мулоқотлар ўтказиш, шунингдек, спортнинг амалий ва техник турлари бўйича мусобақалар ташкил этиш киради.

Хусусан Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Сергели туман кенгаши ходимлари ҳам Ватан ҳимоячилари куни арафасида туман халқ таълими, мудофаа маданият ва спорт ишлари бўлимлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари ҳамда туман «Маънавият ва маърифат» маркази билан биргаликда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган оммавий-ватанпарварлик тадбирларини ўтказмоқдалар.

Спортнинг техник ва амалий-ҳарбий турлари бўйича спорт мусобақалари, «Ватан остонадан бошланади», «Мардлар қўриқлайди Ватанни», «Диний экстремизм ва унинг республикамиз ички сиёсатига таъсири» мавзуларида кечалар, музейларга ташриф буюриш, Хотира майдонини зиёрат қилиш, ҳарбий қисмларда тадбирлар ўтказиш кабилар шулар жумласидандир. Шу кунгача Темурийлар тарихи Давлат музейига саёҳат уюштирилди, юқоридаги мавзуларда жойларда бир қанча кечалар ўтказилди. Куни кеча Сергели спорт техника клубида таҳсил олаётган ёшлар билан ҳарбий қисмга ташриф буюрилди. У ердаги аскарларнинг ҳарбий интизоми, ҳаётий фаолиятлари ҳақида ёшларга ҳарбий қисм командири, подполковник Латип Раҳимов, катта лейтенант Мақсуд Хожиев ва кичик лейтенант Гусаин Алиевлар жуда яхши тушунтириш бердилар.

Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг «Аскарлари бақувват юрт қудратли бўлур, қудратли юртнинг аскарлари бақувват бўлур» деган пурмаъно, ҳикматли сўзлари бор. Ушбу доно иборани ёдга олар эканмиз, ривожланиш йўлидан шитоб ила одимлаётган мустақил юртимизнинг аскарлари кўз олдимизда намоён бўлади. Кенг яғринли, бақувват ва чайир бу посбон йигитлар бу кун юртимиз ишончи, тинчлигимиз қалқони. Ўғлонларимизнинг замонавий ҳарб илмини чуқур эгаллашлари учун эса барча шарт-шароитлар мужассам.

**Зайнабхон МАМАТОВА,**
**Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Сергели туман кенгашининг оммавий-ташкилий ишлар бўйича раис ўринбосари.**

**СУРАТДА: ҳарбий қисмга уюштирилган учрашувдан лавҳа.**

**Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг тактик бўғини — умумқўшин қисмларига малакали офицер кадрлар тайёрлаб беришда етакчи ҳарбий ўқув даргоҳларидан ҳисобланади. У миллий армиямиз учун юқори малакали офицер кадрлар тайёрлашда бой анъана ва тажрибага эга.**

# МАЛАКАЛИ ОФИЦЕРЛАР МАСКАНИ

Мустақиллик ғояларига, халқимиз ва Қуролли Кучларимизга содиқ, ташкилий ва бошқарув қобилияти ҳамда интеллектуал салоҳиятга эга етук офицер кадрларни тайёрлаш мазкур жамоанинг асосий вазифасидир.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён ўтган қисқа вақт мобайнида олий ҳарбий таълим даргоҳида қарийб 3 минг нафар малакали офицер тайёрланди. Билим юрти битирувчилари мамлакатимизнинг турли ҳудудларида жойлашган ҳарбий қисм ва бўлинмаларда Ватан олдидаги муқаддас бурчини шараф билан адо этаяптилар.

Бу ерда мотоўқчи бўлинмалари командирлари, қўшин разведкаси бўлинма командирлари ва взвод командирларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, шунингдек, чегара қўшинлари учун малакали офицерлар тайёрланмоқда.

Билим юртида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг асарларини, айниқса, давлатимиз раҳбарининг «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» рисоласини батафсил ўрганиш кенг йўлга қўйилган. Шунингдек, миллий Қуролли Кучларимизни барпо этиш, армияни ислоҳ қилиш, унинг жамиятимиздаги ўрни ва аҳамиятига бағишланган семинар машғулотлари ўтказилаётир.

Таниқли олимлар, фахрийлар ва Қуролли Кучлар қўмондонлиги вакиллари иштирокида ўтказилаётган «Ўзбекистон ва унинг Қуролли Кучлари: кеча, бугун ва эртага» мавзуидаги анжуманлар, санъат ва маданият арбоблари, эстрада, театр ва кино усталари, ижодий жамоаларнинг бўлажак офицерлар ҳузуридаги чиқишлари барчада яхши таассурот қолдираяпти.

Билим юрти бошлиғининг ўринбосари А.Қодировнинг айтишича, ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари, маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоатчилик, армия сафига чақирилувчи ёшлар вакиллари иштирокида уюштирилаётган «Очиқ эшиклар кунлари» ҳам самарали ўтмоқда.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

**Мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналар экспорт имкониятини кенгайтиришда 9001 серияли ИСО халқаро стандартларига асосланган маҳсулот сифатини таъминлаш ва менежмент тизимини жорий этиш алоҳида аҳамиятга эга.**

Вазирлар Маҳкамаси ўтган йил 22 июлда қабул қилган «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ана шу мақсадни рўёбга чиқаришга қаратилган муҳим ҳужжатлардандир.

— Мамлакатимизда ИСО 9001 халқаро стандартлари талаби асосида иш юритаётган 35 корхона ва ташкилот сони яна бештага кўпайди, — деди «Ўзстандарт» агентлигининг сифат тизимларини жорий этиш бўлими бошлиғи Рустам Юсупов ЎзА мухбирига. — Хусусан, «Шўртан газ-кимё» мажмуи, «Парвина қурувчи», «Тонг» ва «Наманганмаш» корхоналари, «Суғурта бизнес» суғурта компаниясида ҳам шу тизим жорий этилди.

Натижада мазкур корхоналарда тайёрланаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизмат жаҳон бозорида бемалол рақобатлаша оладиган бўлди. Уларга Германиянинг «RWTUV», Франциянинг «Бюро Веритас» ва Туркия стандартлари институти каби соҳанинг энг нуфузли халқаро идоралари томонидан сертификатлар берилди.

**ЎзА**

**Аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатиш мақсадида «Йилнинг энг яхши автобус йўналиши» деган шиор остида танлов эълон қилинган эди. «Тошшаҳарйўловчитранс» акционерлик компанияси бошқаруви томонидан уюштирилган ушбу беллашувда 85-автобус йўналиши транспортчилар жамоаси юқори кўрсаткични қўлга киритди.**

*Транспорт*

# ЭНГ НАМУНАЛИ ЙЎНАЛИШ

Пойтахтимизнинг Марказий универмаги билан Қорақамиш даҳаси оралиғида қатнаб йўловчилар узоғини яқин қилаётган бу жамоа компаниянинг фахри ҳисобланади. Ҳаракат таркиби жадвали бўйича кунига 150 та рейс қилишга улгураётган транспортчилар орасида ўз касбини эъзозлаб, йўловчилар ҳурматини қозонаётган моҳир ҳайдовчилар кўп. Биринчи тоифали ҳайдовчи Қобил Олимов бошқараётган «Мерседес-Бенц» автобуси ҳам бир маъромда ҳаракат қилиб, жадвал режасини ортиғи билан уддалаётир. Ўз касбидан бахт топган бу ғайратли транспорчи мана чорак асрдирки, 3-автобус саройида меҳнат қилиб, ўз бурчини аъло даражада ўтаб, келмоқда.

Бу автобус йўналишидаги транспорт воситалари бир кунда етти минг йўловчига намунали хизмат қилаётганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Бундай кўрсаткичга эришиш учун ҳаракат жадвали бўйича уюштириладиган рейсларни бир маромда кўнгилдагидек адо этишга тўғри келмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

# ШЕРЗОДНИНГ ИҚТИДОРИГА АФИНАДА ҲАМ ТАН БЕРИШДИ

**Афинада бўлиб ўтган ёш мусиқачиларнинг кўрик-танловида фортепиано бўйича биринчи ўринни Успенский номидаги марказий мусиқа мактабининг 6-синф ўқувчиси Шерзод Турсунов эгаллади.**

Ёш мусиқачининг «Туркистон-пресс» мухбирига айтишича, 18 та давлатдан жумладан, Греция, Италия, Латвия, Россия, Украинадан келган мусиқачилар беллашган кўрик-танловда бош совринни қўлга киритиш унинг учун катта шарафдир.

Ш.Турсунов ватанига қайтгач, Бухородаги 5-мусиқа мактабида машҳур бастакорлар — Моцарт, Шуберт, Бах асарларидан концерт намойиш этди.

**А.ҚУДРАТОВ,**
**«Туркистон-пресс»**

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Уч киши борки, уларнинг бадани ёки жони доимо азобда бўлади. Биринчиси, ҳеч бир қуролсиз, менга етиб келмайди деб, душман сафига ўзини урган жангчи. У жангда ўлмаса ҳам бирорта душман қиличидан захм ейиши муқаррардир. Иккинчиси, ёш ва соҳибжамол хотинга уйланган қари киши. Ёш хотин уни заҳарлаб ўлдирмаган ҳолда ҳам ёш ва чиройли йигитларга таъма кўзи билан қарайди. Учинчиси, бола-чақаси бўлмаган пулдор киши. Уни гарчи ўғрилар ўлдириб кетмасада, унинг ўзи бойлигини кимга қолдириш ҳақида қайғуриб, азобда ўтади.

● Уч киши истеҳзода ва масхаралашга сазовордир. Биринчиси, жанг майдонига ботирлар қаторида тушиб, кўпгина душманни қиличдан ўтказдим, деб лоф урсада, бирор жойида на тилиниш ва на захм бўлмаган киши. Иккинчиси, илму ҳикмат йўлида ўзининг беҳад риёзат чекаётганини мақтаган, аммо семиз ва юзлари қипқизил бўлган киши. Учинчиси, ўзининг кимлиги ҳақида мақтаниб, бирор киши ўзи билмаган нарса ҳақида савол берса, саволдан қўрқиб, даҳшатга тушган киши!

● Уч киши доимо ғаму андуҳга гирифтордир. Биринчиси, учқур оти бору аммо уни минолмаган ва минишга қўрққан киши. Иккинчиси, дастурхонида шакар—хил лазиз таом бору аммо уни ейишнинг уддасидан чиқмаган иштаҳасиз киши. Учинчиси, соҳибжамол хотини бўлиб, ўзи хунук ва касал бўлган киши.

● Келтиришларича, Абужаъфар Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн дадаси ҳақида ҳикоят қилиб, шундай деган:

— Дадам бир куни менга: «Эй ўғлим, беш тоифа киши билан дўстлик ва улфатчилик қилма, улар билан ҳеч қачон суҳбат қурма!» — деди. Мен ундан: «Эй дадажоним, улар қайси тоифалар экан?» — деб сўрадим. Дадам: «Биринчиси фиску фужур аҳли! Улар сени халқ орасида расво ва шарманда қилади. Бир луқма нарса учун сени сотишдан тоймайди. Уларнинг бир қисми луқмапарастлардир. Уларнинг одати шуки, сендан бирон нарса таъма қиладилар. Агар бермасанг оғзини мойламасанг халқ ичида ёмон гап тарқатади, обрўйингни туширади. Одамлар уларнинг гапига ишониб, сен билан ёмон муомала қила бошлайдилар! — деди.

Мен иккинчи тоифани сўрадим. У деди:

— Иккинчиси бахил ва хасислардир. Агар сен бирор нарсага муҳтож бўлиб қолсанг, улар сенга ҳеч қачон бермайдилар. Сенинг молу давлатингга айланадилар. Мен буни ўз бошимдан кечирганман. Пулим кўплигида дўстларим кўп эди. Фақирликка тушганимда улар душманимга айланишди, таъна тошини отишди! Дадам давом этиб деди:

— Уларнинг учинчиси ёлғончилардир. Кимда бу хислат борлигини сезсанг, ундан узоқроқ бўл! Улар шаробга ўхшайдилар. Сени ўз яқинларингдан айириб қўядилар ва бегоналарга яқинлаштирадилар. Тўртинчи тоифа эса жоҳил, аҳмоқ ва нодон кишилардир. Улар билан бўлган суҳбат аста-секин кишига таъсир этади, тўғри йўлдан оздиради, одамнинг ниятини бузади. Бешинчи тоифа кишилар лақма, лаванг ҳамда дилида меҳри йўқ кишилардир.

Эй, азиз, сен доимо олим ва фозил кишилар билан ҳамсуҳбат бўлишга интил, нодон ва ёмон ниятли кишилардан қоч, уларнинг тоифасига қўшилма, сўзларини эшитма! Сен юқоридаги ҳикоятни ўқидинг, унинг мағзини чақ, яхши дўстлар топишга урин, улар сени доимо қўллаб-қувватлайдилар!

*Ибратли ташаббус*

# ЎҚУВ МАСКАНИ ЎЗГАЧА ҚИЁФАДА

**Айни пайтда шаҳримизда мақтаса арзигулик мактаблар билан бир қаторда ички тузилиши ва ташқи кўриниши авария ҳолатида бўлган ўқув масканлари ҳам топилади. Шўхроқ ўқувчи қаттикроқ югурса поллари кўтарилиб кетадиган, қиш пайтларда синиқ деразалардан совуқ шамол тинимсиз кириб ётган илм даргоҳлари сони афсуски бармоқ билан саноқли эмас.**

Акмал Икромов туманидаги 236-мактаб ҳам юқорида биз таърифлаган илм масканларидан бири саналарди. Уч йилдан буён авария ҳолатида ётган ушбу мактаб маҳалладаги эътиборли ота-оналар назаридан четда қолмади. Ахир бу ерда уларнинг фарзандлари илм олишади. Болалари саломатлигини ҳамма нарсадан устун билган маҳалла жамоаси ташаббус билан чиқиб, «Фурқат» маҳалласи ҳудудида жойлашган, тумандаги «Бекобод», «Ўткир», Усмон Юсупов, «Қор ёғди» маҳаллаларидан ҳам ўқувчилар қатнайдиган ушбу мактабни тўла таъмирлаш ишларида бош-қош бўлишди.

Таъмирлаш ишларига давлат бюджетидан 97,5 миллион сўм ажратилган бўлса, 80 миллион сўм маблағ ота-оналар ва ҳомий ташкилотлар ҳисобидан тўпланди. 960 нафар ўқувчи таълим олишига мўлжалланган мактабда жами 32 та хона бўлиб, илгари бу ўқув хоналари аянчли аҳволда эди. Айниқса, хона дераза ва ромлари ниҳоятда таъмирталаб, поллари яроқсиз ҳолатда, хонадаги ўқув жиҳозлари ҳам бир неча йиллик бўлганидан кўримсиз аҳволга келганди.

Мактабдаги таъмирлаш ишларида «Мустаҳкам» масъулияти чекланган жамиятининг ишчилари фаол қатнашишди.

— Барча ўқув хоналарини қайта таъмирлаб, хона ойналари ва ромларини бутладик. — Шунингдек, ҳар бир ўқув хонасига иссиқлик ўтказгичлар ўрнатилди. Ҳозирда бу мактаб кўриниши ҳавас қилса арзигулик ҳолатда, — дейишади жамиятнинг қўли гул усталари.

Ҳақиқатан, «Фурқат» маҳалласи ҳудудида жойлашган ушбу мактабни кўрган кишининг кўзи қувнайди. Мактаб нафақат ўзининг ички ва ташқи кўриниши билан, балки атрофдаги ободонлаштириш ишлари билан ҳам ўзгача қиёфа касб этди. Эндиликда чим босилган мактаб спорт майдонида маҳалла болалари бемалол тўп суришади.

Орзугул РУСТАМОВА

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## УЗОҚДАГИ ҚАРИНДОШДАН...

Икки девор дармиён қўшни ўртасидаги жанжалга болаларнинг тўп тепиб ўйнаши сабаб бўлди. Собиржоннинг тепган тўпи кутилмаганда Салим аканинг деразасига бориб тегди. Ойна чил-чил синди. Болалар тум-тарақай бўлиб қочишди. Ичкаридан хонадон эгаси Салим ака югуриб чиқди. Қилмишидан қўрқиб нима қилишини билмай турган Собиржонга ўшқирди.

— Ким синдирди?

— Мен...

— Падарингга лаънат, нега синдирасан бировнинг ойнасини?

— Тўп тегиб кетди.

— Оёғинг сингур, неча марта айтаман, деразанинг тагида футбол ўйнама деб.

— Кечиринг, амаки...

— Бойвачча отангга айт, кечгача ойнани солдириб берсин, бўлмаса ҳаммангнинг кунингни кўрсатаман.

Шов-шувни эшитиб қўшнилар чиқишди. Улар Салим ака қулоқ чўзма қилаётган Собиржонни ҳимоя қилишди.

— Қўйинг, кап-катта киши, бу нима қилганингиз, кичкина болани қўрқитиб, сабил қолгур ойнангизнинг битта кўзи шу боладан азиз бўптими?

— Ёнини олларинг-а, олларинг. Шунақа қилиб болаларингни талтайтириб ўстирдиларинг. Санлар яхши, битта Салим ака ёмон,

— Вой амаки, қўйинг, отаси келсин бугуноқ ойнангизни кўзлатиб берамиз, — ўртага тушди Собиржоннинг онаси.

Ойна баҳона икки қўшни ўртасига совуқчилик тушди. Салим аканинг енгилтаклиги ва жиззакилиги сабабли, эркаклар анча-мунча санманга бориб қолишди. Яхши одамлар ўртага тушди.

Тил яраси битару, дил яраси битмас деганларидек, қўшнилар ўртасидаги аччиқ-араз давом этиб турган кунларнинг бирида Салим ака қаттиқ оғриб қолди. Ярим тунда қайга югуришни билмаган оила аъзолари, ён қўшни Собиржоннинг отаси, тажрибали жарроҳ Ҳаким аканинг эшигини қоқишга мажбур бўлишди.

Ҳаким ака ўтган гапни эслатиб, гина-кудурат қилиб ўтирмади. Зудлик билан ёрдамга шошилди. Ўша тундаёқ унинг қистови билан Салим ака касалхонага ётқизилди. Уни тезда операция қилишга тўғри келди. Шифокорлар бепарволик натижасида икки кун нари-берисида ўқтин-ўқтин хуруж қилиб турган кўричак охири зўриқиб ёрилиб кетган, деган хулосага келишди.

Уни ким операция қилади? Шу топда мана шу савол ўртага кўндаланг бўлиб тушди.

— Қўшни, — деди Салим ака оғриқнинг зўридан зўр-базўр Ҳаким акага мурожаат қилиб, — илтимос, мени ўзингиз операция қилсангиз.

Ҳаким ака иккиланиб ўтирмай таклифни қабул қилди. Операция оғир кечди. Қил устида қолган беморнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Эртасига ундан хабар олгани палатага кирган Ҳаким акани кўриб Салим ака кўзидан дув ёш тўкди. Қўшнисига миннатдорчилик билдирди.

Кўп ўтмай Салим ака оёққа туриб кетди. Шу воқеа боис қўшнилар бир-бирлари билан яна аҳил-иноқ бўлиб кетишди. Шундан бери Салим ака «Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал», деган сўзни тез-тез такрорлаб юрадиган бўлиб қолди.

Қиссадан ҳисса шуки, нима бўлганда ҳам қўни-қўшнилар, маҳалла-кўй одамлар орасидан оқибат кўтарилмасин. Бу ёруғ оламда пайти келиб заруратдан бир-биримизнинг ёрдамимизга муҳтож бўлиб қолишимизни унутмайлик.

## ЯХШИЛИК

Бекатда автобус кутаётгандим, сал нарида турган мўйсафид мени кўриб шу томон кела бошлади. Бирор танишим бўлса эслаёлмай қолдиммикан, деган хаёлда у билан қўш-қўллаб кўришдим.

— Одам-одамга ғанимат, — деди у кутилмаган учрашувдан таажжубда қолганлигимни сезиб. Нима дейишимни билмай турсам яна унинг ўзи сўз олди.

— Ҳаёт билан ўлим ораси лаҳзалик вақт. Шуни ўйламай-нетмай бир-биримизнинг дилимизга озор бериб қўямиз-да.

—Бандаси ношукур, — дедим унга жавобан.

— Билиб турибман бу маҳмадона чол ким экан деб ўйланиб турибсиз. Ҳозир анави касалхонада (у қўли билан ўша томонни кўрсатди) кўрган-кечирганларимни биров билан жуда-жуда баҳам кўргим келяпти-да. Қараб турсам тенгқур кўринасиз. Шунинг учун дилимни сизга очишни маъқул кўрдим.

— Нима гап экан, яхшиликми ўзи?

— Нима десам экан, балки ёмонлик устидан яхшиликнинг тантанаси десам тўғрироқ бўлар.

Нотаниш танишимнинг айтишича, эрталаб мактабга бораётган бир қизалоқни машина уриб кетибди. Одамлар кўз ўнгида бахтсизликни содир этган ҳайдовчи орқа-ўнгига қарамай жуфтакни ростлаб қочиб қолибди. У бошқараётган оқ «Жигули»нинг биров иккита рақамини, яна биров биттасини кўриб қолибди.

Орқама-орқа кўк «Москвич»ни бошқариб келаётган ўрта ёшлардаги ҳайдовчи машинасини дарҳол тўхтатиб ерда бемажол ётган қизалоқни кўтара солиб орқа ўриндиққа ётқизибдида, зудлик билан уни касалхонага олиб кетибди.

Қизчага дарҳол жарроҳлик ёрдами кўрсатилиб, унинг ҳаёти сақлаб қолинибди. Айтишларича, яна орадан бироз муддат ўтса, фожеа ўлим билан тугаши аниқ эди. Олдинига ҳайдовчининг ўзларига ишонмай шубҳа остида милиция чақиришибди. Лекин изқуварлар гувоҳларнинг кўрсатмаси билан кўп ўтмай айбдор ҳайдовчини тутиб келтиришибди. Шундан кейин бояги ҳалоскор йигитга жавоб бериб юборишибди. Қизчанинг ота-онаси миннатдорчилик билдириш учун халоскор ҳайдовчини истаб топишолмабди. Тўс-тўполонда ҳеч ким унинг машина рақамини, ё яшаш жойини, ё исми-шарифини ёзиб қолмаган экан.

— Шу воқеадан кейин яхшиликнинг ёмонлик устидан ҳамиша тантана қилишига яна бир бор ишондим, — дейди ҳамроҳим менга ўқдириб.

— Ҳа албатта, бу исботланган ҳақиқат, — дейман унинг фикрини тасдиқлаб.

Балки бу сатрларни ўқигач ўша халоскор йигит ўзининг кимлигини танитар, деган мақсадда ушбу воқеани оқизмай-томизмай сиз азизлар эътиборига ҳавола этдик.

## УНИ КЕЧИРАЙМИ, ЙЎҚМИ?

Таҳририятимизга ўрта ёшли бир аёл кириб келди.

— Менга Зийрак бобо керак эдилар? — деди ийманибгина.

— Сиз истаган одам мен, хизмат синглим?

Бир масала юзасидан олдингизга маслаҳатга келувдим.

— Эшитайликчи.

— Биласизми, сизга нима деб тушунтиришга ҳам ҳайронман. Турмуш қурганимизга ўн йиллар чамаси бўлди. Очиғи, биз ҳам ўзгалардек севиб, севишиб, сўнг тақдир ипларини бир-бирига боғлаганмиз. Аёл бир зум жим қолди. Кўзларида беихтиёр ёш халқаланди. Ўзини тутиб олиши учун бир пиёла чой тутдим.

— Беш йил яхши яшадим. Бу орада икки ўғлимиз туғилди. Болаларимизга отасининг ўзи ном танлади. Оиламиз катта бўлгани учун биз «дом» олиб ота ҳовлидан чиқиб кетдик. Мустақил яшадик. Орамиздаги чикишмовчиликлар шундан бошланди. Эрим кеч, гоҳо ярим кечаси келадиган одат чиқарди. Сўраб-суриштирсам кимларнингдир тўйида бўлганлигини айтиб баҳона қилади.

Бир куни мактабдош дугонам уни бир аёл билан театрда қўл ушлашиб юрганини кўриб қолибди. Бу гапни у оқизмай-томизмай менга етказди. Изига тушдим. Дам олиш куни болаларни кийинтириб ойимникига отландим.

— Етиб қоламан, анчадан бери ота-онамни кўрмадим. Агар хоҳласангиз сиз ҳам боринг, — дедим. У бир ўртоғиникида тўй борлигини айтиб баҳона қилди.

Болалар билан чиқиб кетдим. Тўғри дугонамникига бордим. Кечаси болаларни унинг уйида қолдириб, иккаламиз бизникига келдик. Ёнимдаги калитим билан эшикни очиб ичкари кирсам... бу ёғини айтишга тилим бормайди.

Ўша-ўша уйга қайтиб бормадим. Ота-онамникида яшадик. Беш йил мобайнида бирор марта ҳолимиздан хабар олмади. Ҳатто болаларини келиб кўрмади. Куни кеча хат ташувчи аёл қўлимга мана бу мактубни тутқазиб кетди.

Аёл сумкасидан хатжилд чиқариб менга узатди. «Ўқиб кўринг» дегач хатни очиб ўқидим. Унда қуйидаги жумлалар ёзилган эди.

«Малоҳат, оғир аҳволда касалхонада ётибман. Ўрнимдан туришга мадорим йўқ. Болаларни, сени соғиндим. Илтимос, мени кечиринглар. Ўз севган жуфти ҳалолини, пушти камаридан бўлган фарзандларини унутиб, нопок йўлларга юрган бандасини Худо ҳам кечирмас экан. Мен тавбамга таяндим. Ўтинаман. Йиллар ўтиб, кўзи очилган мен ночор кимсани ҳеч бўлмаса сизлар кечиринглар. Сени ва болаларимни зор-зор кутиб қолувчи Ҳикматжон».

Мактубни ўқиб ўйланиб қолдим.

— Бор гап шу, — деди Малоҳат жимликни бузиб. — Айтинг, нима қилай?

Савол ўта қалтис эди. Шундай бўлсада мен аёлга харна бўлса ҳам эрини кечиришини маслаҳат бердим. Тўғри иш қилдиммикан? Бунга сиз нима дейсиз азиз ўқувчи?

*Шунақаси ҳам бўлади*

## FАРОЙИБ НИКОҲ

Литва шаҳарларининг биридаги никоҳдан ўтиш бўлинмасига кутилмаганда 2 жуфт 15 ёшли қизалоқ ва йигитчалар ташриф буюришди ва уларнинг никоҳи қайд қилинди.

Литва қонунларида вояға етмаганларнинг никоҳдан ўтиши тақиқланганлиги кўрсатилган. Лекин ёшлар шифокордан ҳомиладорлик ҳақидаги маълумотнома, ота-она розилигини олиб келсалар никоҳлари қайд қилинаверади.

Ўтган йили 1500 дан ортиқ литваликлар оила қуришди. Аммо кўпгина оилалар тезда ажрашиб кетишяпти. Уларнинг муҳаббатлари алангаси рўзғор етишмовчиликлари олдида сувга тушган шамдек бир зумда ўчмоқда.

## КИСЛОРОД ЕТИШМОВЧИЛИГИ САБАБЛИ

Ачиталик ўт ўчирувчилар сабзавотлар сақланадиган махсус ўрадан уч кишининг мурдасини олишди. Маълум бўлишича, мазкур ўрага масъул киши газ воситасида гулхан ёққан ва ўранинг оғзини беркитиб қўйган. Кислород етишмовчилиги сабаб аланга ўчиб, ўра заҳарли тутун билан тўлган. Тахминан 1 суткалардан кейин хўжайин ўрани назорат қилиш мақсадида у ерга тушади, бир неча дақиқалар ичида ҳушидан кетиб йиқилади. Сўнгра икки эркак бирин-кетин ўрага тушиб, газдан заҳарланиб ҳалок бўлишади.

## КУТИЛМАГАН СОВFА

Оренбурглик Демидов селекционер ҳам, мичуринчи ҳам эмас. Айби — бор йўғи томорқасига редиска уруғи сочгани. Етилган редискалардан бирининг оғирлиги нақд 3,8 килограмм чиқди. Яна ажабланарли томони шундаки, редиска ён-атрофдаги пиёзнинг ўсишига мутлақо халақит ҳам бермаган. Томорқа эгаси кутилмаган бу совғанинг қандай пайдо бўлганлиги ҳақида бош қотириб ҳали ҳам ўйига етганича йўқ.

## ОСОН ТУТСАНГ...

Лондоннинг Голдсмит коллежидаги англиялик тадқиқотчи-олимларнинг таъкидлашларича, сочи тўкилган эркаклар кўп сиқилиб, сочлари ҳақида ўйлаб азият чекар эканлар. Ўртача 36 ёшли бўлган 180 нафар эркакларда ўтказилган тадқиқотларга кўра, сочи қанча кам бўлган одам, шунча ўзига кам ишониши аниқланган.

Тадқиқот давомида эркаклар 3 гуруҳга бўлинди: сочи тўкилган, сочи тўкилаётган, бу «дарди-бедаво» билан безовталанмаганлар. Улардан тадқиқот мавзуси сир тутилиб, улар ўзларига, имкониятларига қанчалик ишониш-ишонмасликлари, ҳаётга қизиқишлари текширилди.

Олинган маълумотларга қараганда ҳаммадан ҳам сочи тўкилганларнинг аҳволи танг экан. Ҳаттоки 2 тола сочи тўкилган ёш эркаклар ўзларини шу сабаб, жонларига қасд қилмоқчи бўлганини, яна бир жабрдийда эса умр бўйи ошпаз бўлиб ишлашини маълум қилган. Мақсади — ошпазлик қалпоғи билан бошини беркитиб юриш бўлган.

«Радиодеталлари» дўкони ҳар хил турдаги радиодеталлари, электрон техникаси, аудио-видео ва ўлчаш аппаратураларини харид қилади ва сотади.
Телефон: 68-93-93.

Марказ-13 мавзесида жойлашган 4 хонали уй сотилади. Телефон: 108-47-89.

*Санъатнинг сеҳрли олами*

# НОЗИК ДИДЛИ МУСАВВИР

**Қўлимизга бирорта китобни олар эканмиз, уни безаб турган ранго ранг суратлар, турли безакларига маҳлиё бўлиб улар қайси рассомнинг ишлари эканлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Аслида ҳар қандай китоб жамоа меҳнати маҳсулидир. Китобнинг эътиборни тортувчанлиги, унинг руҳиятини белгилаб беришда сурат ва безакларининг аҳамияти беқиёсдир. Ана шу энг масъулиятли ишларни рассомлар амалга оширадилар. Камолиддин Беҳзод ворисларидан бири, мамлакатимиз китобноширлик соҳасини ривожлантиришда бугунги кундаги пешқадам иллюстраторлардан ҳисобланмиш Уйғун Солиҳов салкам йигирма йилдан бери ўзининг баракали меҳнати билан ушбу соҳага ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.**







Уйғун 1967 йилда Тошкент шаҳрида зиёли оиласида туғилди. Ягона фарзанд бўлишига қарамай, ота-онаси уни ортиқча эркалатмади, аксинча, отаси Туйғун ака ҳарбий врач бўлгани учун ҳар нарсада меъёрни, оддийликни ва тартибни талаб этар ва ўзи ҳам одоб ва маданиятда ўғлига ибрат бўларди. Ёш Уйғунда тасвирий санъатга иштиёқни сезиб, кўпроқ ўқишни, ўз устида ишлашни тавсия этди ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Шу тариқа Уйғунжон одобли ва зукко бўлиб вояга ета бошлади. 1982 йилда мактабни муваффақиятли битириб П.П.Беньков номидаги Республика бадиий билим юртига ўқишга кирди. 1986 йили уни «рангтасвир» класси бўйича аъло баҳоларга тамомлади. Ўша йилдан буён «Ўзбекистон», «Чўлпон» нашриётларида бадиий муҳаррир, бош рассом вазифаларида ишлаб келмоқда.

Айниқса, «Чўлпон» болалар адабиёти нашриётидаги сермаҳсул меҳнати таҳсинга лойиқ. Бугунги кунда болажонларимиз севиб ўқиётган «Ўзбек халқ эртаклари», «Ҳинд халқ эртаклари», «Хитой халқ эртаклари», «Робинзон Крузонинг саргузаштлари» ва бошқа ўнлаб, юзлаб китобларнинг рассоми, бадиий муҳаррири ҳисобланади. Уйғун Солиҳов қайси китобнинг юзага келишига ҳисса қўшмасин, у ўзининг юксак бадиий савияси билан ажралиб туради, кишига эстетик завқ бағишлайди.

Болалигидан масъулият ҳисси шаклланган рассом ҳар бир асарга жиддий ёндошади. —Умримда на ишга, на бирор учрашувга кеч қолмаганман, — дейди мусаввир.

Аксинча вақт етмагани сабабли кўпинча ишдан сўнг фаолият кўрсатишга ёки қўлёзмани уйга олиб кетиб шуғулланишга тўғри келади.

1990 йилдан бери Республика ва халқаро китоб ярмаркалари, кўргазма ва танловларда иштирок этади. Болонья (Италия), Москва (Россия), Олмаота (Қозоғистон), Истамбул (Туркия)даги халқаро тадбирлар шулар жумласидандир.

Тарихий мавзулар — унинг севимли мавзуси. Бўш вақтларида мазкур жанрда мойбўёқда ишлашни ёқтиради. «Чингизхоннинг тушлари», «Мўғул жангчиси» каби асарларни кузатар экансиз, рассомнинг ўша давр руҳини чуқур ҳис этиши, қурол-аслаҳалар, кийим-кечаклар ва ҳатто энг кичик деталларнинг ҳаққоний акс эттирилганидан ҳайратга тушамиз. Буларнинг барчаси Уйғуннинг нозик диди ва синчковлигидан далолатдир.

Ўз санъатига ҳурмат ва муҳаббат, ота-она розилигини, дуосини олиш, доимо ўз устида ишлаш инсонни камолотга етаклайди.

Рассом ижодига муваффақиятлар тилаб, янги, ранг-баранг асарлари билан тасвирий санъат ихлосмандларини хушнуд этади деб умид билдирамиз.

**Шавкат МУЗАФФАР**

**СУРАТЛАРДА: рассом Уйғун Солиҳов ижодидан намуналар.**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР | ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
TOSHMBM
М.В.М

**«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»**

**Сизларни биржа савдоларига таклиф этади**

**БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛГАН:**

- Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-уйда жойлашган майдони 1 642 кв.метр бўлган «Нур» мажмуаси. Бошланғич нархи – 750 000 000 сўм.
- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 4-мавзе, 12-уйда жойлашган, майдони 84 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи – 2 939 110 сўм.
- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 6-уйда жойлашган, майдони 60,7 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи – 2 540 396 сўм.
- Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Кирки тор кўчаси, 34-уйда жойлашган, майдони 1473 кв.метр бўлган бино. Бошланғич нархи – 48 648 225 сўм.
- Тошкент шаҳар, Юнусобод туманида жойлашган «Олой» бозори асосий биноси фойесининг майдони 16,5 кв.метрга тенг бўлган 19-қисми. Бошланғич нархи – 5 775 000 сўм.
- Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, «Ҳ.Олимжон» майдони, ғарбий томонида жойлашган «Пойтахт бизнес мажмуаси» биносининг 1-қаватидаги, майдони 16 кв. метрга тенг бўлган қисми (Ц-блоки). Бошланғич нархи — 5 841 600 сўм.
- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор-6/7 манзилида жойлашган, майдони 47 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи — 2 316 603 сўм.
- Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, Сағбон-Форобий кўчалари кесишуви, 5-6-7-уйлар манзилидаги 4-блок, 2-секцияда жойлашган, умумий майдони 152 кв.метрга тенг бўлган бино қисми.
  Бошланғич нархи — 23 901 328 сўм.
- Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Ғалаба кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий майдони 174,0 кв.метрга тенг бўлган «Халқ истеъмол молларини бўёқлаш» биноси.
  Бошланғич нархи — 1 406 110 сўм.
- «Руслан Шамшади» хусусий корхонаси балансида бўлган қуйидаги станоклар:
  — станок СМЖ-357. Бошланғич нархи – 1 400 221 сўм.
  — 1Г 340 П револьверли токарлик дастгоҳи. Бошланғич нархи – 5 338 396 сўм.

***Шунингдек, савдоларда Тошкент шаҳрининг Сергели туманида жойлашган «Автомакон» ШХЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) ҳудудидаги, майдони 18 кв.метрга тенг бўлган дўконлар сотилмоқда. Ҳар бир дўконнинг бошланғич нархи 3 000 000 сўм.***

**Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунида соат 11.00 дан 12.00 гача ҳамда 16.00 дан 17.00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри,
Моварооуннаҳр кўчаси, 16а-уй.
Телефонлар: 133-46-61, 132-25-51, факс: 133-20-74.
www.tshmbm.uz; Эл.почта:Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz**

## «02»: ҲОДИСАЛАР

### НАФСИ ЁМОН МЕҲМОН

Т.Ғанишер таниши Алексейникига меҳмонга келди. Улар анча вақтгача улфатчилик қилиб ҳангомалашди.

Кимдир Алексейга қўнғироқ қилиб Чилонзор метро бекатида учрашишини айтди. У ҳозир келаман деб чиқиб кетди. Шунда Ғанишербек уйни айланиб нималарнидир қидира бошлади. Алексейнинг костюми чўнтагидан 50000 сўм пулини олди, жавон тортмасидан 150000 сўмлик сариқ металлдан ясалган тақинчоқларни олиб жуфтакни ростлади. Лекин у узоққа қочиб кета олмади. Алексей уйига келиб воқеадан воқиф бўлиши биланоқ ички ишлар ходимларига хабар берди. Жиноятчи ўз манзилига етмасдан қўлга олинди.

### АВТОБУСДАГИ ЎҒРИЛИК

Юнусободдан Талабалар шаҳарчаси томон ҳаракатланиб келаётган 90-автобусда одам тирбанд.

Кимдир «Ўғри, ушланглар, телефонимни олиб қочди», дея бақира бошлади. Шу пайт бекатга яқинлашиб қолган экан шекилли, автобус тўхтаб, ҳалиги ўғри тушиб қоча бошлади. Лекин бу кимса мақсадига эриша олмади. У ички ишлар ходимлари томонидан ушланиб, жабрланувчи А.Султоннинг «Нокия-3310» уяли телефони қайтариб берилди. Жиноятчининг исми А.Ғулом эканлиги аниқланди.

### ЖАЗОГА ТОРТИЛИШДИ

Тошкент вилояти, Тошкент туманидаги мактабнинг юқори синф болалари пойтахтга ишлаш мақсадида келадилар.

Миробод туманида яшовчи Т.Фёдор ушбу Т.Содир, Э.Фозил исмли болаларни келишган ҳолда уйини таъмирлаш учун олиб келади. Болалар ўз ишларини бошлашади. Орадан 15 кун вақт ўтган. Уй эгаси йўқ. Нафс балоси болаларнинг тинчини ўғирлайди. Улар Фёдорнинг оз эмас кўп эмас, 2750000 сўмлик сариқ металдан ясалган қимматбаҳо тақинчоқларини ўғирлаб кетишади. Воқеадан хабар топган Фёдор қаттиқ ғазабланади. У зудлик билан ички ишлар ходимларига хабар беради. Тезкор гуруҳ тез орада жиноятчиларни қўлга олди. Ҳозирда улар қилмишларига яраша жазога тортилган.

**Сарвар СОБИРОВ,**
**Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси матбуот маркази мухбири**

Матбаа фаолияти бўйича Нусратулло Жумахўжа номига Яккасарой тумани ҳокимияти томонидан берилган 0012873 рақамли хусусий тадбиркорлик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти жамоаси, касаба уюшмаси институт лаборатория мудири Ботир Саъдуллаевич Ҳикматуллаевга онаси

**ОЛИНИСА аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

*Санъат*

# ТОМОШАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

**Янги йил шукуҳи ҳали ҳеч биримизни тарк этганича йўқ. Ҳамма байрам кайфиятида шод ва масрур юрибди. Бу эса, Сиҳат-саломатлик йилининг қадами кутлуғ келишидан далолат бермоқда.**



Шайхонтоҳур туманидаги Ибн Сино номли маданият ва спорт марказида маданийлаштирилган бадиий кечалар бўлиб ўтмоқда.

— Маданият марказимиз 1990 йилдан бери турли мавзуларда қизиқарли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб келаётган бой тажрибага эга бўлган нуфузли масканлардан биридир, — дейди марказ раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Азим Азизов. — 2005 йилни ҳам муносиб кутиб олиш учун анчагина меҳнат қилдик, изланиб интилдик. Зеро янги йил тароналари, қизиқарли томошалар одамларга шодлик улашади, маданий ҳордиқ бахш этади. Ўйлайман ва умид қиламанки, тайёрлаган томошаларимиз халқимизга манзур бўлади, бу эса, бизларнинг кейинги ишларимизда самарали восита бўлиб хизмат қилади.

Дарҳақиқат, мазкур марказ 2003-2004 йилнинг ўзидаёқ Германия, Италия, Туркия, Япония, Ҳиндистон, Польша давлатларида, Анталия шаҳрида ўтказилган халқаро фестивалларда ўзининг дастурларини кенг намойиш этиб, салмоқли ютуқларга эришиб қайтди. «Умид» фольклор рақс ансамбли, «Баёт» доирачилар дастаси, «Абдулла», «Шерзод», «Даврон» ЭФМ гуруҳлари, «Қувонч» ёшлар ҳажвий театр студияси, «Сапчалар» реп-рақс гуруҳлари, жами 500 дан ортиқ санъатнинг жонкуяр ходимлари ўз устиларида тинмай ишлаб бор истеъдод ва маҳоратларини намойиш этиб келмоқдалар.

Шунингдек, «Ибн Сино» номли маданият ва спорт марказида иқтидорли эстрада юлдузларидан Абдулла Қурбонов етук раққосалардан Юлдуз Раҳимова, Феруза Ғойибназарова, Жамила Ғайнутдинова, ёш эстрада хонандаларидан Дониёр Собиров, Даврон Иброҳимов, Шерзод Ёқубов, Шуҳрат Абдусатторов, моҳир доиракаш Мирвоҳид Содиқов, реп-рақс ижрочилари Аъзам Муҳамедов, Мирқобил Миразизов томонидан янги йил совғаси сифатида «Янги йил хўрозлари» деб номланган янги ҳажвий концерт дастури тайёрланди.

Ушбу концерт 1 январдан 11 январгача ва йил давомида шаҳримизнинг марказий томошагоҳларида, Меҳрибонлик уйларида, турли ҳарбий қисмларда, мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида томошабинлар ҳукмига ҳавола қилинади.

«Янги йил хўрозлари» деб номланган ҳажвий байрам дастури сценарийсини Азим Азизов ёзган бўлиб, «Умид» халқ фольклор-рақс ансамбли саҳналаштирган.

Ўйлаймизки, бу дастур барча санъат ихлосмандлари ва мухлисларининг қалбига бир олам хуш кайфият ва мислсиз шодлик улашади. Зеро санъат одамларни фақат эзгуликка чорлайди, ойдин хаёлларга ошно этади.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: «Умид» фольклор рақс ансамблининг ижодий жамоаси навбатдаги концерт олдидан тайёргарлик кўрмоқда.**

*Бўш вақтингизда*

# КРОССВОРД




**ЭНИГА**: 7.Чирмашиб ўсувчи манзарали ўсимлик. 11. Ҳунар. 14. Ҳўл мева. 15. Ўзбек фольклоршунос олими, халқ достонлари тўплами муаллифи. 16. Маҳсулотнинг чекланган меъёри. 17. Электромагнитли, сигнални қабул қилиб олувчи . ва узатувчи қурилма. 21. Пойтахтимизнинг қадимий дарвозаларидан бири. 22. Кулги, ҳажв. 23. Буюк, катта. 27. Йўловчиларга хизмат кўрсатувчи, вагон хизматчиси.

**БЎЙИГА**: 3. Устки либослар тикиладиган жун газлама. 4. Заргарлик буюми. 9. Метродаги ўзи юрар зина. 10. Ҳаво оқими билан ҳаракатланувчи учиш қурилмаси соҳаси. 12. Фотоэлемент ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ишқорий металл. 13. Ватанимиз жанубидаги тоғлик. 19. Тижорат соҳаси. 24. Астроном, Қуёш физикаси мутахассиси. 25. Жанубий Америкадаги давлат.

**Бўйига ва ёйлар бўйича**: 1. Юк ортиш, темир йўл ўтказиш, кемалар тўхташ мақсадларида бунёд этилган кўприксимон иншоот. 6. Юлдуз Усмонова ижросидаги қўшиқ. 18. Ҳарбий хизматчи. 20. Қишга сақланадиган олма нави.

**Энига ва ёйлар бўйича:** 1. Отлиқ аскарий бўлинма. 6. Кимёвий элемент, кумушсимон металл. 28. Осмонга тикка чиқиб, ерга тикка қўнадиган учиш техникаси. 29. Россия Федерацияси таркибидаги республика, Расул Ҳамзатов ватани.

**Ёйлар бўйича:** 2. Теннис ўйини майдони. 5. Болтиқ денгизи бўйида яшовчи қабилалардан бирига мансуб миллат. 26. Лавозим, мансаб. 30. Пойабзалнинг нақшиндор бўртиги.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**ГАЗЕТАНИНГ ШУ ЙИЛ 24 ДЕКАБРЬ СОНИДА БЕРИЛГАН «ИҚТИСОД» ЧАЙНКРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

1. Маркетинг. 2. Грош. 3. Ширкат. 4. Тариф. 5. Фирма. 6. Акр. 7. Рента. 8. Аудитор. 9. Режа. 10. Аванс. 11. Суғурта. 12. Акциз. 13. Заём. 14. Менежмент. 15. Трест. 16. Тест. 17. Тафтиш. 18. Шитоб. 19. Буромад. 20. Даъво. 21. Ором. 22. Мулк. 23. Кадастр. 24. Рупия. 25. Ярд. 26. Дина. 27. Аккредитив. 28. Ворис. 29. Сўм.

*Ҳар тўғрида*

### ЁШАРТИРУВЧИ ПАРҲЕЗ

**Лондон фуқароси М.Жонснинг таъкидлашича, тил аёлнинг энг яқин ёрдамчиси ва уни ёшартирувчи воситадир. У ҳар куни тилининг устига бир грамм миқдорида туз ташлаб, 3-5 дақиқадан кейин ювиб ташларкан.**

— Негалигини билмайману, — дейди у, — бу менинг ташқи кўринишимга ижобий таъсир кўрсатади. Ҳар куни нонушта, тушлик ва кечки овқатдан кейин шўр денгиз карамини тановул қиламан — эҳтимол бу шунинг натижасидандир.

Жонснинг айтишига кўра, ачитилган таомлардан, масалан, уч литрлик банкага гиёҳлардан майдалаб солиб, сўнг бир чой қошиқда ош тузи ҳамда 0,5 грамм ачитқи аралаштириб, тайёрланган салатлардан истеъмол қилса, ташқи қиёфасини ёшартиришда фойдаси катта бўлармиш.

Ўсимлик сифатида ҳамма турдаги карам, денгиз карами, укроп, шовул, қизил беда, қичитқи ўт кабиларни ишлатса бўлади.

Мана шундай парҳезга бир ой мобайнида риоя қилинса, врачларнинг айтишича, организмда ёш тўқималар 10 фоизга ошиб кетаркан.

### «КАТТАСИ» УЧУН 900 ДОЛЛАР

**Руминиядаги Фокшан шаҳри маъмурияти уйида ит асровчиларни «тартибга» чақириш учун махсус қарор чиқарди.**

Эндиликда итбоқарлар тўрт оёқли «дўст»ларини сайрга олиб чиқишганда қўлларида хокандоз ва супурги кўтариб юрсалар ҳеч ким ажабланмайди. Шаҳар мавзеларида тозаликни сақлашга қаратилган бу тадбир маъмурий жазо анчагина миқдордаги жаримани кўзда тутади. Гарчи итбоқарларга ёқмаган бўлса-да, шаҳар маъмурияти тозаликни сақлашга қаттиқ киришган кўринади. Ит асровчилар сайр чоғида «йўл қўйилган» ножоизликка эътиборсиз қараганликлари учун уч миллион румин лейи, яъни 900 АҚШ доллари миқдорида жарима тўлашга мажбур этиладилар. Аксарият шаҳарликлар боғ-роғлар, хиёбону йўлакларнинг тоза-озодалигига қаратилган бу тадбирни мамнуният билан қабул қилишди.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4812 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-009. 1 2 3 4 6